# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
# SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
# Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2020 -yil “28 ” декабр Қ-2003 -son Qumqo‘rg‘on t.

**Тумандаги “XASAN TOJ YUSUF” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 24 сентябрдаги 44-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1.Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 24 сентябрдаги 44-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2.Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Алмарданов Эшмўмин бошлиқ “XASAN TOJ YUSUF” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда “Ш.Мирзаев” массиви “Янги қишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хўжалик харитасининг 213б, 214а, 90қ-дала контурида жойлашган 3,0 гектар, шундан 2,82 гектар боғ, 0,17 гектар ариқ, 0,06 гектар йўл ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4.Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Н.Мўминовга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5.Фермер хўжалиги раҳбарига ўз хохишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

6.Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур “XASAN TOJ YUSUF” номли боғдорчиликка номли балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

**Туман ҳокими** **Р.Гаппаров**

TO'G'RI
ZBEKISTON RESPUBLIKASI
URXONDARYO VILOYAT
QUMQO'RG'ON TUMAN
HOKIMI UMUMIY
BO'LIM MUDIR